

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**  
**БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**  
**АБДУРАХМОНОВ МУХИДДИН ҲАЗРАТҚУЛ ЎҒЛИНИНГ**

**5140100 биология таълим йўналиши бўйича бакалавр**

**даражасини олиш учун**

**УЗУН ТУМАНИ ШАРОИТИДА САССИҚ КОВРАКНИНГ (*FERULA ASSAFOETIDA L.*) ЎСИШИ ВА РИВОЖЛANIШИ**  
**мавзусидаги ёзган**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**биология фанлари номзоди,  
доц.в.б. А. М. Бегматов**

**Термиз-2018**

## **М У Н Д А Р И Ж А**

КИРИШ.....
1-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....
2-БОБ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИҶЛИМ ШАРОИТИ, ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА МЕТОДЛАРИ.....
3-БОБ. <i>FERULA ASSAFOETIDA</i> L. ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....
4-БОБ. <i>FERULA ASSAFOETIDA</i> L. НИНГ АҲАМИЯТИ.....
ХУЛОСАЛАР.....
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР.....
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....

## **КИРИШ**

**Мавзунинг долзарбилиги.** Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида баъзи хасталикларни даволашда табиий дармондориларнинг ўрни бекиёс эканлиги таъкидланмоқда. Шу боис, мамлакатимизда шифобахш ўсимликларни кўпайтириш ва уларни қайта ишлашни ташкил этиш бўйича давлат дастурлари асосида кенг қўламли тадбирлар амалга оширияпти. Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёевнинг таклифи асосида юртимизнинг алоҳида худудларида шифобахш ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш бўйича топшириқлар берилмоқда. Юртбошимизнинг жорий йил 10 февралда Сурхондарё вилоятига қилган ташрифидаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, айнан чўл ва тоғолди худудларида коврак плантацияларини кенгайтириш масаласидаги таклифлари мазкур шифобахш ўсимликни етиштириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикаси худудларида, асосан, қумли чўллар, адирлар, тоғлар ва тоғолди ялангликлари, соф тупроқли ерларда кўп учрайдиган коврак ўсимлигининг йўқолиб кетиши ва камайиши жуда ачинарлидир. Унинг шираси, илдизи, пояси ва барглари Ҳиндистон, Покистон мамлакатларида пиёз ва саримсоқ пиёз ўрнида истеъмол қилинади ҳамда ундан олинадиган дори моддалари одам ва ҳайвонлар касалликларини даволашда кенг қўлланади. Шу боис, юртимизда коврак ўсимлиги ҳам давлат ҳимоясига олинган.

Айни пайтда фармацевтика саноатида сассиқ ковракнинг илдизи ва дони кўпроқ ишлатилса, фаол вегетация даврида унинг елим-смоласи ишлатилади. Коврак смоласи унинг илдизини кесиш орқали олинади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фаол вегетация даврида ҳар бир ўсимликдан 1300-1500 мл.гача шира олинади. Сассиқ ковракнинг елим-шираси қадим-қадимдан тиббиётда турли хасталикларни даволашда қўлланиб келинган.

Табобат илми асосчиси Абу Али ибн Сино коврак ширасини меъда, буйрак, талоқ, жигар касалликларини даволашда, шунингдек, иштаҳа очувчи, сийдик ҳайдовчи, бўғим касалликларида оғриқ қолдирувчи сифатида фойдаланган. Бундан ташқари, коврак елим-шираси халқ табобатида томир тортишининг олдини олишда, ўпка силида, ўлат, заҳм, кўк йўтал, тиш оғриғида, асаб хасталикларини даволашда кенг қўлланилади. Ундан қувват берувчи, балғам қўчирувчи, гижга ҳайдовчи дори сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Энг муҳими, коврак ўсимлиги ва унинг шираси озиқ-овқат саноатида таом ва хушбўй ҳид берувчи восита сифатида фойдаланилади. Айниқса, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Бангладеш ва бошқа шу каби давлатларда бу ўсимлик кенг ишлатилади.

Бугунги кунда дунёда ўсимликлар ёрдамида даволашга бўлган талабнинг ортиши бежизга эмас, чунки ўсимлик хом ашёсидан олинган биологик фаол моддалар синтетик дори воситаларига нисбатан бир қатор афзаликларга эга. Ўсимлик хом ашёлари таркибида организмни меъёрда ишлаши учун зарур бўлган табиий моддалар сақлайди. Шунинг учун янги биологик фаол моддаларни ишлаб чиқаришни амалиётга тадбиқ қилиш ва тайёр маҳсулотнинг сифати ва биологик самарадорлигини яхшилаш мақсадида мавжуд технологияларни илмий жихатдан ёндошган ҳолда такомиллаштириш, фармацевтика саноатининг муҳим вазифаларидан биридир.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди, жумладан Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан Ўзбекистон ҳудудида ўсуви ўсимликлар асосида «Тефэстрол», «Эқдистен», «Олигвон», «Галантамин», «Катацин» каби дори воситалари яратилган. Такидлаш керакки, мазкур ютуқларга қарамай Республикаизда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари субстан-

цияларининг аксарияти импорт ҳисобига тўғри келмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4 йўналишида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиб - биёт муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тъминланишини яхшилаш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллиги чет эл аналогларидан қолишмайдаган янги дори воситаларни яратиш ҳисобига аҳолини арzon фармацевтика маҳсулотларига бўлган иҳтиёжини қондириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу битирув малакавий иши муайян даражада хизмат қиласиди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Ferula assafoetid*анинг Узун тумани иқлим шароитида биоэкологияси, фенологияси тўлиқ тадқиқ этилмаган.

**Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** БМИ Термиз давлат университети биология кафедрасининг “Жанубий Ўзбекистон шароитида доривор ва хом-ашёбоп ўсимликлар биологияси” илмий тадқиқот иши мавзусига биноан бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** Узун тумани шароитида *Ferula assafoetida* ўсимлигининг биоэкологиясини ўрганиш.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

- ўсиш ва ривожланишини ўрганиш;

- фенологик ривожланиш муддатларини аниқлаш;

**Тадқиқот обьекти ва предмети:** Тадқиқот обьекти – Зира дошлар (*Apiaceae* L.) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик- (*Ferula assafoetida* L.).

**Тадқиқот предмети** - *Ferula assafoetida* нинг морфологияси, ўсиши, фенологияси, тарқалиш ареали.

**Тадқиқот методлари.** БМИ да анъанавий методлардан морфогенезни ўрганиш, гуллаш биологияси ва интродукция истиқболини баҳолашдан фойдаланилган.

### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. Сурхондарё вилоятининг табиий шароитида *Ferula assafoetida* нинг кўп йиллик ўсимлик сифатида ўсиш хусусияти унинг кенг экологик диапазонга эга эканлигидан далолат беради.

2. *Ferula assafoetida* ни ривожланиш маромининг табиий шароитига мослиги ва уруғдан униб чиқиш хусусияти ўсимликнинг муваффақиятини кўрсатади.

**Илмий янгилиги.** Сурхондарёнинг табиий иқлим шароитида *Ferula assafoetida* нинг морфогенез бўйича биоэкологик хусусиятлари ўрганилди. Ўсимликни табиий уруғдан кўпайиши ва ўсиш хусусиятлари аниқланди.

Олинган маълумотлар Сурхондарёнинг табиий шароитида *Ferula assafoetida* ўсимлигини қўп йиллар мобайнида ўсиши, шунингдек фенология ва уруғ биологияси бўйича маълумотларни ишлаб чиқиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** *Ferula assafoetida* ўсимлигини Сурхондарё вилоятининг табиий экологик шароитига мос ўсиб ривожланиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистоннинг жанубий туманларида *Ferula assafoetida* ни парвариш қилиш, шунингдек олий ўкув юртларида биолог-эколог мутахассисларни тайёрлаш жараёнида эндемик ўсимликларнинг

биоэкологияси, гуллаш ва уруғ биологияси маҳсус курсларда маъruzалар ўқишида фойдаланиш тавсия этилди.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Узун тумани шароитида *Ferula assafoetida* ни уруғдан кўпайиши бўйича маълумотларолинди. Тадқиқот натижалардан Термиз давлат университети биология кафедрасининг ўкув жараёнида фойдаланилмоқда (далолатнома №1, 20.05. 2018 й).

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Тадқиқот натижалари ТермДУ Биология кафедраси қошидаги “Ботаника” илмий тўгарагида (2018 й.) ва Термиз давлат университети “Талабаларнинг 2017 йилги илмий-тадқиқот ишлари якунига бағишланган анъанавий илмий-амалий анжумани” да маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган (24 май, 2018 й.)

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** БМИ 56 бетда баён этилган бўлиб, кириш, 4 боб, хулосалар, амалий тавсиялардан иборат. Унда 9 та жадвал ва 12 та расмлар келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 68 тадан иборат бўлиб, шундан 7 таси хорижий манбалардир.

## **1-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Ferula* L. туркумига дунё миқёсида 140 тур киради. Улар асосан Шарқий ярим шарда Канар оролларидан то Кашмир ва Жунгоргача тарқалган. Ковракнинг кўпчилиги эфемероид. Ўзбекистон флорасида тарқалган 45 турдан 5 тури Бухоро вилояти худудида учрайди.

Ковраклар 2 типга бўлинади: 1-монокарп, 2-поликарп. Поликарп ковракларнинг ҳаёт цикли биринчи гуллашдан кейин гулламайди. Моноподиал новданинг ўрнига симподиал шохланиш келади, ён томондан шохчалар чиқиб, улардан янги генратив новдалар чиқади. Ўзбекистоннинг барча яйлов ва адирларида *Ferula* L. туркумига мансуб 200 коврак тури учрайди, минтақанинг чўл зоналарида бу ўсимликнинг 36 тури ўсади. Чўл зоналарида ковракнинг энг қадимий тури ва ушбу худудлар учун эндемик ҳисобланган *F. assafoetida* ва *F. foetida* турлари учрайди. Ўсимлик трансформацияси нафақат Ўрта ва Марказий Осиё минтақасида, балки Афғонистон, Эрон, Покистоннинг чўл, қир ва адирларида ҳам катта-катта плантациялар ҳосил қилиб ўсади. Бироқ кейинги йилларда инсоният томонидан табиатга нисбатан аёвсиз муносабат оқибатида ушбу ноёб ўсимлик плантациялари йўқ қилинди. Айни жараёнда ковракнинг ҳам айrim ноёб *Ferula shair*, *F. sumbul*, *F. mochata* турлари йўқолиб кетди. Фақатгина мамлакатимиз чегараларининг қўриқланиши ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг ҳаракатлари туфайли бу ноёб ўсимлик турлари мамлакат худудида сақланиб, тиббиёт учун дори олишда, чорвачилик учун фитоэстроген моддалар олишда хом ашё захираси бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ўсимликнинг доривор хусусиятларидан унумли фойдаланиш мамлакатимиз фармацевтика саноатининг ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз раҳбари олдимиизга мазкур ўсимлик плантацияларини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни ривожлантириш вазифасини қўймоқда. Бебаҳо табиатимиз коврак ўсимлигини

маданийлаштириб, катта-катта плантациялар ташкил этиш имконини беради. Демак, ушбу йўналишда самарали лойиҳаларни амалга ошириб, фармацевтика соҳасида истиқболга эришамиз.

Смола-елим олиш учун асосан 10 тури ишлатилади, булар сассиқ коврак, рова, кухистон кавраги ва бошқа номдаги ковраклар ҳисобланади, бу турлар, ташки марфологик жиҳатдан бир-бирлариға жуда ҳам ўхшаб кетади, аммо табиатда сассиқ коврак (*Ferula assafoetida*) кенг тарқалган бўлиб, республикамизда тайёрланиб истеъмолчиларга етказиб берилаётган смола-елим асосан шу турдан олинади.

*Ferula* L. туркуми вакиллари *Apiaceae* L. оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар. Уларнинг ер юзида 200 га яқин турлари бўлиб, ем-хашак, эфир мойли, асалчил, озиқ-овқат, хуштаъм ўсимликлар ҳисобланади. Бу туркум вакиллари қадимги Ўрта ер денгизи худудида, Ўрта Осиёда, Кавказ, Фарбий Сибир, Эрон, Афғонистон, Покистон, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларида тарқалган. *Ferula* L. туркумининг 110 дан ортиқ тури Ўрта Осиёда, 50 дан ортиқ тури ғарбий Тяншанда ва 32 тури ғарбий Помир-Олой тизмаси тоғлари ва тоғ ёнбағирларида тарқалган. Шифобахш ўсимликлардан бири сассиқ коврак (*Ferula foetida* (Bunge) Regel) ўсимлиги ҳисобланиб, Ўрта Осиёдаги даштларда, ялангликларда, қумли чўлларда, тоғ тупроқли ерларда, баъзан тоғ олди текисликларида ўсади. Ўзбекистонда Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғ олди текисликларида ва Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи худудларида қалин ковракзорлар ҳосил қиласиди.

*Ferula assafoetida* L. - маҳаллий номи коврак, сассиқ сасир, сассиқ курай деб аталиб, йирик соябон ҳосил қиласидиган ва ёқимсиз ҳидга эга бўлган зирадошлар оиласига мансуб ўсимлик.

*Ferula* туркумига 135 тур киради. Кўп йиллик ўсимлик, эфемероид гуруҳига мансуб. Коровин Е.П. маълумотига кўра, *Ferula assafoetida* L. –

жанубий-осиёда учрайдиган, солиштирма-морфологик тадқиқотларга кўра *Ferula* (Tourn) туркуми, *scorodosma* гуруҳига мансуб.

Бу ўсимлик XV асрда шимолий Африкада кенг тарқалган, кейинчалик унинг илдизидан смола олиш натижасида камайиб кетган. Ҳозирги кунда ўсимлик фақат Эрон, Афғонистон ва Ўзбекистон ҳудудларида ўсади.

*Ferula assafoetida* ўсимлиги смоласи Европа табобатига араб табиблари томонидан киритилган. Ҳозирги кунда ўсимлик хом-ашёси саноат миқёсида Эрон, Покистон, Афғонистон мамлакатларида ва Ўзбекистонда тайёрланади. *Ferula* L. туркуми турларининг илдизини кесиши йўли билан олинган смола кинна, асафетида, сапаген, галбанум, сумбул, аммониакум каби турли номлар билан қадимдан тиббиётда қўлланилиб келинган. Бу номдаги моддалар асосан *F. foetida*, *F. foetidissima*, *F. kopetdagensis*, *F. kockiana*, *F. persica*, *F. zoongarica*, *F. sumbul*, *F. badrakema*, *F. diversivittata*, *F. kaspica*, *F. karatavica*, *F. karelini*, *F. gummoza*, *F. varia*, *F. kuhistanica* каби турлардан олинган.

Илмий табобатда коврак смоласи - Асса-фоетида номи билан кукун, эмульсия ва спиртли тиндирма (настойка) ҳолида оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади ва кўпгина мамлакатларнинг (Эрон, Германия, Швеция, Покистон, Хитой, АҚШ, Португалия) фармакопеясига киритилган. Қадимги Шарқ мамлакатларидан Эрон, Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистонда смола қандолатчилик, косметика саноатида атторлик воситалари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

*Ferula assafoetida* ўсимлигидан смола олиш унинг тупбарглари қурий бошлаган давр - ёз ойларидан бошланиб, кузгача давом этади. Смола олиш учун вояга етган, камида 3-4 йирик барг ҳосил қилган, гулламаган ўсимлик илдизлари танланади. Унинг илдиз бўғзи ўтган йилги барг қолдиқларидан тозаланади. Сўнгра илдиз бўғзи айланасига ва 5-10 см чуқурликда тупроқдан тозаланиб, смола олиш мақсадида илдиз айланасига маҳсус ўткир, учи қайрилган пичоқ ёрдамида кесилади. Бунда

ўсимлик илдизининг марказий қисми (ўзаги) кесилмаслигига эътибор бериш лозим. Ўсимликнинг кесилган қисми барглар, картон қоғоз ёки бошқа материаллар билан ёпиб қўйилади. 2-3 кун ўтгач, кесилган қисмда топланиб, қотиб қолган смола қириб олинади ва ўсимлик илдизи яна юпқа (бир неча мм) қалинликда кесилади. Кесиш икки усулда - спирал ёки қаватма-қават олиб борилади. Бу жараён бир мавсумда 20-25 мартағача, ўсимлик шираси тугагунча такрорланади. *Ferula assafoetida* баландлиги 1,0-1,5 м гача борадиган монокарп ўсимлик. Илдизи йўғон, тупроқнинг 1,5 м гача, цилиндричесимон, йўғон асосий илдизи 0,5 м чуқурликгача кириб боради. Илдиз бўғзининг диаметри 15-20 (30) см гача боради. Ўсимликнинг пояси тик ўсуви, ичи бироз ғовак, юқори қисмидан шохланган, кўпинча битта (баъзан 2-3) та генератив новда ҳосил қилиб, 7-9 йилда бир марта гуллаб, уруғлайди. Барглари юмшоқ, тез сўлийдиган, устки томони туксиз, пастки қисми эса бироз тукли, илдиз бўғзидаги барглари қисқа, йўғон бандли, поядаги барглари майда бўлиб, нов ҳосил қиласди. Илдиз бўғзидаги баргларининг шакли пирамидасимон бўлиб, барг пластинкаси иккиламчи қирқилган, барг бўлаклари ланцетсимон, чеккалари текис бўлиб, узунлиги 14,0-18,0 см, эни 5,0-7,0 см гача боради. Пояда жойлашган барглари юқорига қараб майдалашиб боради, энг учидагилари факат барг қини (нови) дан иборат. Бу ўсимлик вегетациясини феврал ойининг охиридан бошлайди. Март, апрел ойларида гуллаб, май ойининг охирида уруғлайди.

Март ойининг ўртасидан бошлаб генератив новда интенсив равища суткасига ҳатто 12-15 см гача ўсади. Март ойининг охирига бориб, генератив новданинг баландлиги 45,0-50,0 см гача бориб, паракладий (мураккаб соябонгул) лар ва улардаги соябонлар аниқ кўриниб, марказий ва ён соябонгуллар тўлиқ шаклланади. Поясининг пастки қисмida жойлашган паракладийнинг марказий соябонда жойлашган гуллари ғунчалай бошлайди. Бу даврда ўсимликнинг туббарглари максимал ўлчамга етиб,

бўйи 18,0-25,0 см га, эни 15,0-20,0 см гача боради. Уларнинг сони 3 та, баъзан 4 та. Ўсимлик вегетация даврининг бошланишида поядаги туббарглари суткасига 3,0-5,0 см гача ўсади. Баргларининг ўсиши ўсимликнинг гуллаш фазасигача давом этади. Генератив новданинг ўсиши унинг гуллаш даврида секинлашиб, гуллаш даврининг охирида умуман тўхтайди. Май ойининг бошларига келиб ўсимлик мевалаш пайтида барглари қурий бошлайди. Барча монокарп турлар каби 35-40 кун ичиди дастлаб тупбарглар, сўнgra поядаги барглар қурийди. Вегетация даврининг 40-45 кунлари ўсимлик оммавий гуллаш даврига ўтади. *Ferula foetida* нинг генератив новдаси мураккаб соябонни ташкил қилади. Ҳар бир новдада 20 дан 35 тагача ён соябонгул (паракладий) лар бўлади. Ҳар бир паракладийда марказий соябонгул ва 2-3 тадан анча узун (3,0-5,0 см) ён соябонгуллар жойлашган. Соябонгулдаги соябонгулчаларнинг ҳар қайсиси 9-11 та гул ҳосил қилади. Гуллари *Apiaceae* L. оиласи вакилларига ўхшаш бўлиб, 5 та гултожбаргларининг ранги сарғиш, улар доира бўлиб жойлашиб, шакли тухумсимон, учки қисми бироз ичкарига қайрилган.

Ўсимлик гулининг чангчиси 5 та, уруғчиси битта бўлиб, иккита мевабаргнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Тугунчалик ярим пастки, 2 уяли (баъзан 3 уяли). Чангчисининг узунлиги 0,5-0,8 мм, эллипссимон, сарғиш, баъзан жигаррангда бўлади. Ҳар бир паракладийда марказий ва ён соябонгуллар бўлиб, марказий соябонгулдаги гуллар асосан икки жинсли, яъни чангчи ва уруғчили, ён шохидаги соябонгуллари фақат чангчили гуллардан иборат бўлиб, баъзан икки жинсли гуллар ҳосил бўлсада, чангланиб уруғланмайди, улар марказий соябонгулларни чанглатиш вазифасини бажаради. Меваси май ойининг охири ва июн ойининг биринчи ярмида пишиб етилади. Уруғлар етилгач, ҳашаротлар, кушлар ва шамол ёрдамида тарқалади. Уруғ мерикарпи юмалоқроқ, эллиптик шаклда, 15-26x10-14 мм, қанотчали (3,60 мм гача). Перикарп қалинлиги 340-230 мкм. Йирик хужайрасидаги экзокарп (30-55x25-35 мкм) ингичка радиал ва бироз

йўғонлашган (4-6 мкм) ташқи деворли. Мезокарп паренхимаси 2-4 қаватли, юпқа деворли, йирик хужайрали, эпидерма остки қавати бироз йўғонлашган. Эндокарп ости қавати 4 -5 қаторли ингичка толасимон хужайралардан ташкил топган. Ғарбий Помир-Олой худудида ҳар хил экологик шароитда йиғилган *Ferula assafoetida* ўсимлиги уруғининг морфологик ўлчамлари бир-биридан фарқ қилиши аниқланган.

Маълумотлардан аниқланишича, Сурхондарё вилоятининг Боботоғ ва Жиззах вилоятининг Нурота тизмалари ҳамда Айдар-Арнасой қўллар тизими атрофидан йиғилган уруғларнинг абсолют оғирлиги, ўртacha узунлиги ва эни бошқа ҳудудлардан йиғилган уруғларга нисбатан анча каттароқ. Бойсун тоғининг турли ҳудудларидан йиғилган уруғлар юқоридагилардан деярли икки баробар майда эканлиги аниқланди. Биз сассиқ коврак ўсимлигидан оқилона фойдаланиш учун, ҳар йили мўлжалланган миқдорда смола тайёрлаш учун ушбу ўсимликнинг уруғини Жиззах вилоятининг лалмикор майдонларида экишни тавсия қиласиз. Фермер хўжаликларда уруғдан экилган ўсимликдан 5-6-йилдан бошлиб смола олиш мумкин. Дастребки натижалар шуни кўрсатдики, сассиқ коврак уруғларига маҳсус ишлов (биологик, физиологик, кимёвий) берилса, уларнинг унувчанлиги 70-80 фоизгача бўлади. Арнасой туманига экилган уруғлар иккинчи ва учинчи йиллари вегетациясини бир маромда ўтамоқда. Турли ҳудудлардан йиғилган уруғларнинг ўлчами ва оғирлиги ҳар хил бўлганлиги учун уруғни экиш меъёри ҳам ҳар хил бўлади. Боботоғ ва Нурота тоғларидан йиғилган уруғлар Дехқонбоддагига қараганда икки ҳисса қўпроқ уруғ сарфланади. Хулоса қилиб айтганда, сассиқ коврак ўсимлигини лалмикор ерларда экиб ўстириш имконияти мавжуд, агар ушбу иш тўлиқ амалга оширилса, қаровсиз ерлардан оқилона фойдаланган бўлади, ўсимлик смоласини режали тайёрлаш имконияти туғилади ва ўсимликнинг табиий ҳолдаги заҳиралари йўқолиб кетишининг олди олинади.

Шундай қилиб, турли ҳудудлардан йиғилган *Ferula assafoetida* ўсимлиги уруғининг морфологик ўлчамларида фарқ борлиги аниқланди ва уруғларни экиш меъёрини белгилашда буни хисобга олиш зарур.

*Ferula assafoetida* илдизи ипсимон, ёғочланган илдиз почда ҳосил бўлади ёки овалсимон монокарпик ўсимлик. Пояси йўғон, 1 метр баланлиқда бўлиб, қалин шарсимон шингил ҳосил қиласи. Барги юмшоқ, тезда сўлиб қолади. Пояни юқори қисмида жойлашган барглари силлиқ, пастида жойлашганлари эса бирмунча юмшоқ тукларга эга. Барг қини овалсимон, ясси, қофозга ўхшайди. Илдиз атрофида қисқа бандли кенг япроқли, уч бўлмали, унда икки карра бўлинган йирик барг сигментлари бўлади. Баъзи барглари узун-ланцетсимон ёки ланцетсимон 15x5 см узунлиқда. Пояда барглари сезиларли даражада кам. Соябони турли хил бўлиб, марказлашган ўтрок ёки қисқа бандли, 25 нурли, соябончалари 15 гулли, шарсимон, эни 15-20 см. кенгликда, ёнлари Март-апрел ойларида гуллайди, апрел-май ойларида уруғлайди. Доривор ўсимлик. Республиканинг чўл ва адир зонасида кенг тарқалган. Тугунча ва меваси туксиз. Гуллари сариқ. Тожибарглари ботик.

*Ferula assafoetida* нинг ареали нафақат Ўрта Осиёning турли мұхитларида балки Қизилқум ва бошқа жанубий-шарқда Покистон, то Афғонистонгача тарқалган.

Ковракнинг ареали – чўл зонаси бўлиб типик монокарп хисобланади. Йиллар мобайнида фақат унинг розеткасимон барглари ўсади, кейинчалик гуллайди, мевалайди ва нобуд бўлади. Шундай қилиб, биологик ривожланиш тараққиётида бир нечта вегетатив фазаси ва битта генератив даври бўлади.

*Ferula assafoetida* бошқа коврак турларидан кескин фарқ қиласи яъни унинг йўғон поясида шарсимон тўпгули шаклланади. Поясининг баландлиги 70-80 см, диаметри 10 см гача, тўпгули билан биргалиқда 120-130 см гача етади. Поясининг пастки қисмида илдиз атрофи розеткалар ривожланади, кучли ажралган барг ларни сояси тахминан  $1 \text{ m}^2$  майдонда соя ҳосил қиласи.

Етилган ўсимликларда асосий ўқ илдиз қалинлашиб 5-5,5 кг масса хосил қиласи. Одатда 40-50 см чуқурликда иккита кучли шохланган илдиз хосил қиласи, ўз навбатида яна шохланиш кузатилади. Асосан ўқ илдизли, шунингдек ён ва тармоқланган илдизлар бўлади. Ковракнинг 100 см гача чуқурлашади, аммо сизот сувга етмайди. *Ferula assafoetida* илдиз системасида: қалинлашган қисми 40-50 см, диаметри 16-18 см, илдиз тукчалари 2,5-3 метрни ташкил этиб, 80-100 см гача кириб боради. Е.П. Коровин маълумотига кўра, илдиз дастлаб  $45^0$  бурчак остида ўсади, кейинчалик ер юзасига нисбатан  $30-45^0$  бурчак остида йўналади. Бу холат баҳор мавсумидаги ёғингарчиликдан максимал фойдаланиш имконини беради. Умумий ризосфера  $4 \text{ m}^3$  дан кам бўлади. Маълумки қурғоқчиликка мосланувчанлик белгиларидан бири илдизнинг тез ўсиши хисобланади. Асосан бундай биологик хусусият эфемерларда кузатилади. Монокарпларнинг ҳаётий ривожланиш жараёнида яъни уларнинг тез ўсиш хусусияти вегетатив даврдан генератив даврга ўтиш пайтида кузатилади.

#### 1-жадвал

*Ferula assafoetida* поясининг ғунчалари билан биргаликда ўсиш кўрсаткичи

Кузатилган кунлар	вақт	Ғунча билан биргаликда поя баландлиги, см	Поя баландлиги, см
07.04.	кечқурун	41	25,5
08.04.	эрталаб	44	28,5
09.04.	эрталаб	50	38
10.04.	эрталаб	51	38
12.04.	эрталаб	66	50
12.04.	кечқурун	72,5	52
13.04.	эрталаб	76	58
13.04.	кечқурун	79	58
14.04.	эрталаб	81	58
15.04.	эрталаб	84	62
16.04.	эрталаб	89	69

Поянинг ўсиш кўрсакичини аниқлаш пайтида ғунчаларнинг шаклланишдан то тўлиқ гулларнинг очилишигача муддати олинди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 10 кунлик кузатиш натижаларига кўра поянинг ўсиш кўсаткичи ўртacha 32 - 44 см ни ташкил этди. Биринчи куннинг ўзидиёқ поясининг ўсиши ўртacha 10-15 см гача ўсиш тезлиги аниқланди (08.04 -09.04.). Март ойининг биринчи кунларидан илиқ об-ҳаво бўлиши билан бошқа эфемерлар ўйғона бошлайди. Чукур уйқудан сўнг март ойи охири ва апрел ойи бошида баъзи коврак намуналарининг поясида тўпгуллар шаклланади ҳамда 10-15 кундан кейин гуллаш кузатилади (тахминан 15.04.). Биринчи майда ёппасига гуллаш якунланди ва мевалаш даври бошланди. Мевалаш май ойи охиригача давом этди ва 300-350 грамм уруғ пайдо қилиб, нобуд бўлди. Гулламайдиган коврак намуналарида бу пайтда вегетация тўхтади ва анабиоз ҳолатига ўтди, тиним ҳолати янги баҳорги ёмғир мавсумигача сақланди.

*Ferula assafoetida* типик эфемероид бўлиб, ўзининг ривожланиши фақат баҳорги даврга тўғри келади (тахминан 2-2,5 ой). Коврак ўсимлиги фақат баҳорги ва қиши мавсумида тўпланган намлиқдан унумли фойдаланади.

Ковракнинг қисқа вегетация даврида нафақат ер устки қисмини ривожланиши балки ер остки ўқ илдизнинг қалинлашиши ва захира озиқ моддалар тўпланиши кузатилади. Коврак илдизи крахмалга бой (абсолют куруқ массасининг 30 % гача) бўлиб, маҳаллий аҳоли нон ва турли ичимликлар тайёрлашда фойдаланади. Ковракнинг баҳорги яшил баргларини, ёздаги куруқ баргларини ва меваларини барча турдаги ўтхўр хайвонлар, жумладан асосан от ва туялар ейди.

*Ferula assafoetida* нинг ривожланиш тараққиёти етарлича ўрганилмаган. Ўсимлик ёши аниқ эмас. Баъзи олимларнинг фикрича *Ferula assafoetida* 7 йилда, бошқаларининг фикрича эса 8-9 йилда мевалайди дейилади.

*Ferula assafoetida* нинг ер устки ва ер остки органларида эфир мойлари мавжуд. Адабиётлардаги маълумотларга кўра сассиқ ковракнинг илдизидаги

смоласи “*Assafoetida*” деб аталиб, Шарқда тиббиёт ва атир-упачилик соҳасида кенг миқёсида ишлатилган.

Баъзи тадқиқотларда *Ferula* туркуми вакилларида смола ва эфир мойлари бир-биридан миқдори жиҳатидан фарқ қилган (-жадвал).

2 -жадвал

***Ferula* L. туркуми турларида смола ва эфир мойлари миқдори  
(Дворников бўйича)**

Ferula турлари	Қуруқ масса, %		
	Смола	Эфир мойи	Каучук
<i>F. assafoetida</i>	1,75	0,900	0,048
<i>F. oopida</i>	13,07	0,255	0,102
<i>F. prangifolia</i>	28,24	3,570	0,058

Сотувда *Ferula* L. туркумининг учта нави фарқланади:

1. *Aqua foetida electissima*
2. *Assa foetida electa*
3. *Assa foetida petraea*

Асосан *assa foetida* турида эфир мойларининг атмосферада ажралиш интенсивлиги сутка мобайнида бошқа турларга нисбатан кўп миқдорда бўлади.

*Ferula assafoetida* нинг эфир мойи ёқимсиз ҳидга эга бўлиб, таркибида 20% гача дисульфид ( $C_{11} H_{20}S_2$ ) тутади. Сассиқ ковракнинг қисқа вегетация даврида (2-2,5 ой) сезиларли даражада барг розеткалари ривожланади ( $2\text{ m}^2$  гача).

Ковракда органик моддалар (углевод, оқси, ёғ) динамикасининг кўрсаткичига кўра, улар етилган ўсимликда абсолют қуруқ массасининг 30% гача етади. *Ferula* илдизидаги аралаш углеводларнинг сезиларли миқдорини яъни сахароза 14% гача ташкил этади.

Тадқиқотларда *Ferula assafoetida* илдизидаги намлик миқдори аниқланган. Шуни таъкидлаш жоизки, илдизидаги намлик миқдорининг камайиши ўсимликнинг етук ҳолатида аниқлагган.

3 -жадвал

***Ferula assa foetida* илдизидаги намлик миқдори  
(нам оғирлиги, %)**

Ўсимлик ёши	Намлик, %
Бир йиллик	79,5
Икки йиллик	78,0
Уч йиллик	73,0
Ўрта ёшли (4-5 йил)	68,5
Катта ёшли (7-8 йил)	65,0

Бир ёшли ўсимлик илдизида табиий харорат  $49,5^{\circ}$  гача етган пайтида клейстеризация қўпайиши, катта ёшли ковракда эса  $58,0^{\circ}$  да аниқланган.

4 –жадвал

***Ferula assa foetida* ни клейстеризация маълумоти**

Ўсимлик ёши	Клейстеризацияни бошланиши	Тўлиқ клейстеризация
1 йил	$49,5^{\circ}$	$51,0^{\circ}$
2 йил	$53,0^{\circ}$	$54,5^{\circ}$
3 йил	$54,5^{\circ}$	$56,0^{\circ}$
Ўртacha ёшли	$56,5^{\circ}$	$57,0^{\circ}$
Қари ёшли	$58,0^{\circ}$	$59,0^{\circ}$

Р. Халилов томонидан (2018) ковракнинг қисмларидан турли дори воситаларини олиш бўйича қуидаги хulosалар келтирилган:

1. Флавоноидларга тўйинган экстракт олиш мақсадида *Pseudosophora alopecuroides* илдизларини кетма-кет экстракция қилиш, яъни ёт моддалардан тозалаш учун хом ашё аввал сувда кейин flavonoidларни ажратиш учун

спиртда экстракция қилишдан иборат усул ишлаб чиқилди. Хом ашёда мавжуд флавоноидлар ва сесквiterпен спиртларининг мураккаб эфирларини 96% ни ажратиб олиш учун, экстракция тартиботининг юқори кўрсаткичлари тажрибаларни математик режалаштириш усули ёрдамида аникланди. *Ammothamnus Lehmannii* илдизларидан флавоноидлар йигиндини ва *Ferula varia* ер устки қисмидан цинарозидни экстракция қилиш учун самарали экстрагент сифатида 80% ли этил спирти тавсия этилди.

2. Суюқ-суюқ экстракция ва техник маҳсулотни 3% ли спиртда эритиб сўнгра pH 5–7 бўлгунча нордонлаштириб флавоноидларни чўқтириш усуллари билан экстрактларни тозалашнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилди ва *Pseudosophora alopecuroides* илдизларидан фланорин ҳамда *Ammothamnus Lehmannii* илдизларидан лемарин олишнинг саноат технологияларида қўллашга тавсия қилинди.

3. Экстракцион бензин билан ишлов бериб техник цинарозидни чўқтириб, сўнгра техник маҳсулотни ацетон-сув (3:1) аралашмасида фаоллаштирилган кўмир иштирокида кристаллаб юқори унум билан бир хил сифатга эга цинарозид препаратини субстанциясини олиш имконияти яратилди.

4. Мураккаб эфирларни ацетон – экстракцион бензин 1:4 аралашмаси ёрдамида силикагелда хроматографик усулда тозалаб ва куруқ элюатга нисбатан 1:1,5 микрокристаллик целюлоза аралаштириб элюатни қуритиш орқали ферулен субстанциясини олиш технологияси такомиллаштирилди. Ушбу технологияда мавжуд усулга нисбатан босқичлар сони икки марта қисқартиришга ва сесквiterпен спиртларининг мураккаб эфирларини унуми 2,4 баробарга оширишга эришилди.

5. *Ferula tenuisecta* илдизларидан олинган сесквiterпен спиртларининг мураккаб эфирлари асосида паррандаларнинг тухум қўйишини тезлаштирувчи озукага қўшимчалари ишлаб чиқилди ва Франциянинг «LATOXAN» фирмасига 30 кг «Pano-25», 1500 кг «Panoroot-50» ва 2000 кг «Panoroot-98» экспорт қилинди.

6. Таъсир қилувчи моддаси органик эритувчиларда яхши эрийдиган субстанцияларни олишда, сув-спиртли экстрактнинг яшил рангини йўқотиш усули ишлаб чиқилди. Бунинг учун, ўсимлик хом ашёсининг ер устки қисмини 60-75%ли этил спиртда экстракция қилиб, қуруқ қолдиққа нисбатан 3% фаоллаштирилган кўмир билан 6 соат давомида ишлов бериш лозимлиги белгиланди.

7. Тадқиқ этилган субстанцияларнинг асосий таъсир қилувчи моддаларини сифат ва миқдорий таҳлили усуллари ишлаб чиқилди ва технологик босқичларни назорати ҳамда препаратларни стандартизациясида фойдаланишга тавсия этилди.

8. Олинган натижалар асосида яратилган дори воситаларнинг субстанцияларини ишлаб чиқариш тизимлари ташкиллаштирилди ва ушбу тизимда 1,25 кг фланорин, 0,55 кг цинарозид ва 0,9 кг ферулен субстанциялари ишлаб чиқарилиб истеъмолчига етказиб берилди.

## **2-БОБ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИҚЛИМ ШАРОИТИ, ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА МЕТОДЛАРИ**

Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг энг жанубий қисмида жойлашган. У айни бир пайтда Ўрта Осиёning ҳам жанубий қисмида жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди қуруқ субтропик иқлимий минтақага тўғри келади. Вилоят ҳудудини  $37^{\circ}10' - 39^{\circ}02'$  шимолий кенглик ва  $66^{\circ}32' - 68^{\circ}25'$  шарқий узоқлик чизиқлари кесиб ўтади [19]. Ер юзасининг тузилиши жиҳатидан Ўзбекистон ҳудуди икки қисмга бўлинади- катта қисми текисликдан, қоган қисми эса тоғлардан ва тоғ оралиқ ботиқларидан иборат. Республикализнинг ер юзаси ғарб ва шимоли-ғарбдан шарқ ва жануби-шарқ томон аста-секин кўтарилиб боради. Ўзбекистоннинг паст қисми океан сатҳидан 60-100 м баландликда бўлиб, Амударёning қуий қисми ва Орол денгизи атрофида жойлашган.

Республиканинг шарқий ва жануби-шарқий қисмини Ўрта Осиёning энг баланд тоғлари Тяншан ва Помир Олой тизмаларининг тармоқлари қоплаб олган. Бу тоғлар ғарб ва шимоли-ғарб томон пасайиб боради, шарқ ва жануби-шарқда эса уларнинг баландлиги денгиз сатҳидан 7495 м га етади. Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми эса Турон текислигининг марказий қисми билан банд. Ўзбекистон ҳудудининг 70% га яқини текислик, қолган 30% қисмини эса тоғлар эгаллайди. Бу қисмларнинг чегаралари нихоятда эгри-буғри бўлиб, тоғларнинг баъзи бир тизмалари текислик қисмининг ичкарисига сурилиб кирган, айрим жойларда текислик хам тоғ тизмалари орасига қўлтиқ шаклида кириб қолган. Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси – Ҳисор тоғ тизмасидаги Ҳазрати Султон чўққиси – 4648 м Ўзбекистоннинг энг паст нуқтаси – Қизилқум чўлидаги Мингбулоқ ботифи - -12 м. Ўзбекистон Осиё қитъасида, ҳудуди йирик дарёлари бўлмиш Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, ғарбда Туron пасттекислигини ва

шарқда тоғли ўлкаларни ўз ичига олади. Республика табиати бой ва хилмажил. Ўзбекистон худудининг каттагина қисмини сахролар ва чўллар эгаллайди, шарқий қисмида осмонўпар тоғлар, дарё атрофларида ажойиб водийлар бор. Жазирама кум сахролари, музликлар, оппоқ корга бурканган тоғ чўққилари, пахтазорлар билан қопланган ям-яшил водийлар мавжудлиги Ўзбекистон табиати учун хос. Республиkaning 447,4 минг км<sup>2</sup> га teng бўлган майдони ғарбдан шарқقا 1425, шимолдан жанубга эса 930 километрга чўзилган.

Сурхондарё вилоятининг чекка (айни бир пайтда жанубий географик) ўрни унинг бошқа вилоятларга нисбатан кўпроқ хорижий давлатлар билан чегараланишини тақозо қилган. У хорижий давлатлар Тожикистон билан шимол, шимолий шарқ ва шарқ томондан, Туркманистон билан ғарб томондан, узоқ хорижий давлат Афғонистон билан эса жанубий томондан Амударё ўзани орқали чегараланади. Шунингдек, вилоят ғарбда баланд тоғлар орқали мамлакатимизнинг Қашқадарё вилояти билан ҳам катта масофада чегараланади. Бу чегаранинг сарҳад чизиги республикамизнинг энг баланд тоғи Ҳисор тизмасининг қирраларига тўғри келади. «Дунё осмони» деб ном олган Помир тоғига мансуб бўлган Ҳисорнинг қудратли девор тарзида чўзилган тизмалари: Куштанг (унинг вилоят ҳудудида жойлашган энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан 3723 м га teng), Кетмончопти (3168), Саримас (1890 м), Сувсиз тоғ (2122 м), Кулбатоғ (2130 м) орқали ўтган бу чегара яхши ажратилган. Вилоят ҳудуди эгри чизилган учбуручакни эслатади. Унинг ўлчамлари: шимолдан жанубга 220-250 км, ғарбдан шарқقا эса 150-170 км га чўзилади. Демак, у шимолдан жанубга анча чўзилган. Вилоят уч томондан тоғлар билан ўралган, чегараси жанубий томонга очик, унинг жанубидаги Амударё ўзани орқали Афғонистон давлати билан ўтган чегараси эса дарё ўзанига кўра ғоят эгри бугридир. Сурхондарёнинг ғарбий ва шимолий ғарбий чегараларида жойлашган баланд тоғлар вилоятда ўзгача иқлимий шароит ҳосил қилувчи омиллардир. Сурхондарё вилоятининг

географик ўрни, яъни Ўрта Осиё қуруқлигининг анча ичкари қисмida жойлашганлиги, океанлардан ва ёғин- сочин келтирадиган совук ва илиқ ҳаво массаларидан, қуёш нурининг ҳудудга нисбатан тик тушиши, уч томондан иқлим ҳосил қилувчи омиллардан бири-тоғлар билан ўралганлиги ва жанубий қисмининг очиқлиги унинг табиатига ва хўжалигига таъсир кўрсатиб туради. Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг ягона субтропик регионидир. Воҳанинг иқлимий шароити қуруқ, кескин (континентал), қуёш нурларига бой, кунлик ва йиллик ҳаво ҳарорати кескин ўзгариб туради, ёғин- сочин эса кам бўлади. Иқлиминг қуруқлиги вилоятнинг шимолий-тарбидан жанубий шарқига борган сари ортиб боради. Шу йўналиш бўйича ёзги ҳаво ҳарорати кўтарилади, қишда эса пасаяди, фасллараро юз берадиган бундай ўзгариш жойнинг ер усти тузилиши (рельеф) ўзгариши билан боғлик. Иқлимий шароитдаги кескин ўзгариш айниқса тоғли ҳудудларида кузатилади. Вилоятнинг текислик қисмida ҳаво ва тупроқнинг юза қисми ҳарорати баланддир. Ўртacha йиллик ҳаво ҳарорати 17 даражага тенг. Вилоятнинг жанубий қисмida унинг шимолига нисбатан ўртacha ҳаво ҳарорати анча баланд. Ойлар, фасллар ва ўртacha йиллик ҳаво ҳароратидаги фарқлар катта. Июль ойи регионнинг аксарият ҳудуди учун энг иссиқ ой ҳисобланади, бу пайтга келиб сояда ўртacha кунлик ҳаво ҳарорати Деновда +28,4, Кумқўрғонда +29,0, Термизда +31,4 ва Шерободда +32,1 даражага тенг бўлади (5-жадвал). Вилоятнинг тоғ ва тоғ олди зоналарида ҳаво ҳарорати нисбатан юмшоқ. Масалан, дengiz сатҳидан 1243 м баланликда жойлашган Бойсунда июль ойининг ўртacha кўрсаткичи 27,8, январники 0,8 ва ўртacha йиллик ҳарорати 14,5 даражага тенг. Шундай қилиб, Сурхондарёнинг текислик қисми унинг тоғ зonasига нисбатан қуруқ ва илиқ бўлиб, ёз узоқ давом этади, анча жазирама кечади. Вилоятнинг тоғли (дengiz сатҳидан 3000-3200 м баландлик) зонасида эса июль ойи ҳаво ҳароратининг ўртacha кўрсаткичи 20 даражага, январники эса -6-8 даражага тенг. Вилоятда ёз

ойлари ўта иссиқ кечади. 5-жадвалда тадқиқот ўтказилган йиллардаги (2000-2002 й) Термиз туманининг об-ҳаво маълумотлари ва шунингдек тупроқ юза қатламининг ҳарорати маълумоти ҳам келтирилди (6-жадвал).

Сурхондарёниг иқлимини чуқур таҳлил қилган проф. Л.Н. Бабушкиннинг таъбирича, вилоятнинг айрим ҳудудларида йил бўйи ўсимлик вегетацияси давом қиласи. Ёз эса 6 ойгача чўзилади. Сурхондарё мамлакатимизнинг энг иссиқ ўлкаси бўлиши билан бирга, бу ерда булутли кунлар ғоят камдир. Термизда бир йилда очиқ кунлар 166 кунга етади. Айниқса, июндан токи октябргача очиқ кунлар кўп бўлади. Булутсизликнинг кўпга чўзиши, мамлакатимизнинг ҳаво ҳароратидаги абсолют максимумнинг шу регионда бўлишлiği тупроқ қурғоқчилигини келтириб чиқаради. Ҳаво ҳароратининг турлича юқори кўрсаткичлари ва айниқса, +10 даражадан юқори бўлган ҳаво ҳароратидаги фойдали кўрсаткичлар вилоятнинг қатор географик нуқталарида вегетация муддатининг ҳар хил бўлишини таъминлаган (8-жадвал). Кўп йиллик метеорологик маълумотларга таяниб, вилоятнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарилиши жадал кечадиган текислик ҳудудларида ҳаво ҳароратининг фойдали кўрсатгичи муддати чўзилганлигини кўрамиз. Вилоят бўйлаб кузнинг ва баҳорги тупроқ юзаси музлашининг кечикиши мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан илиқ кунларнинг чўзишига олиб келган.

Вилоятда ҳаво илиқ давр 226 дан токи 266 кунгача чўзилади. Кеч пишар толали ғўзанинг тўлиқ пишиб этилиши учун эса ўртacha 180-200 кун талаб қилинади. Совуқ бўлмайдиган кунларнинг узоқ давом этиши, ҳаво ҳароратидаги юқори ижобий ва фойдали кўрсаткичлар йиғиндиси вилоятда ҳар қандай кеч пишар ғўза навларини ва жанубий мамлакатларга хос қимматбаҳо экинларни районлаштиришни тақозо қилган. Ҳаво ҳароратининг ижобий (0 даражадан юқори) кўрсатгичи Деновда-5146, Термизда-5770, Шерободда-5945 даража бўлгани ҳолда фойдали кўрсатгич мазкур

## 5-жадвал

Сурхондарё вилоятининг турли географик районларида ойлик ва йиллик ҳаво ҳароратининг ўртача энг баланд (максимал) ва энг паст (минимал) кўрсаткичлари.

Метеостан- циянинг номи	Метеостан- циянинг ўрни ва денгиз сағтидан баландлиги, м	Ҳаво ҳарорати, °C	Ўртача ойлик ҳаво ҳарорати даражаси												Йиллик ўртача ҳаво ҳарорати, °C
			I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Шер- обод	жануби-ғарбий 444	ўртача максимал минимал	3,6 22 -20	6,3 29 -15	11,5 35 -14	18,1 37 0	24,5 44 7	29,4 46 11	32,1 48 16	30,2 44 16	24,6 42 8	17,6 37 -2	11,7 30 -10	6,8 26 -17	18,0 48 -20
Бойсун	Ғарбий 1243	ўртача максимал минимал	0,8 18 -23	2,6 21 -20	7,9 27 -19	13,7 28 -6	19,6 36 2	25,2 38 7	27,8 40 14	26,9 39 14	21,7 36 5	15,3 31 -3	2,6 25 -15	3,9 22 -20	14,5 40 -23
Термиз	Жанубий 302	ўртача максимал минимал	2,8 23 -21	5,7 27 -15	11,5 34 -14	18,5 37 -1	24,5 42 5	29,3 48 11	31,4 46 14	29,6 45 10	23,3 41 2	16,9 38 -6	10,1 32 -13	4,8 26 -20	17,4 48 -21
Қумқур- ғон	Марказий 438	ўртача максимал минимал	1,3 20 -25	5,0 10,5 -17	10,5 32 -14	16,7 34 -2	22,9 44 4	26,8 45 10	29,0 46 13	27,3 43 12	21,4 41 2	15,4 37 -7	9,8 30 -14	5,2 26 -20	15,9 46 -25
Денов	Шимолий 528	ўртача максимал минимал	2,8 22 -23	4,7 26 -18	10,1 32 -17	16,1 33 -3	21,3 41 2	25,6 43 9	28,4 46 12	26,4 43 10	21,1 40 2	14,9 37 -5	10,1 30 -13	5,5 26 -22	15,6 26 -23

6-жадвал

Илмий - тадқиқот олиб борилган йиллардаги об-ҳаво маълумотлари  
 («Термиз» метеостанцияси маълумотлари бўйича)

Йиллар	О й л а р												Ўртacha йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Ҳавонинг ўртacha ҳарорати, °C													
2000	5,2	5,4	11	20,6	25,7	27,5	28,9	28	23	16	8,2	7,1	17,2
2001	2	6,8	12,9	20,6	26,1	29,3	28,9	27,1	21,8	16,7	11,9	7,8	17,6
2002	6	7,5	13,4	17,6	22,1	28,1	31,3	27,9	22,1	18,6	11,4	2,4	17,3
Ҳавонинг ўртacha максимум ҳарорати, °C													
2000	13,2	13,6	19,7	30,3	36	38,1	39,5	39,7	35	26,2	16,2	14,6	26,8
2001	9,6	14,9	22,2	30,2	36,7	40,2	38,8	37,5	33	27,1	20,7	14,2	27,1
2002	12,9	15,6	21,5	24,7	30,2	37,8	38,8	39,2	33,5	29,8	19,6	8	26
Ҳавонинг ўртacha минимум ҳарорати, °C													
2000	1,2	0,8	5,3	13,5	17,4	18,5	19,5	18,5	14,3	9,6	3,5	2,8	10,4
2001	-2,5	1,9	6,7	13,7	17,3	19,6	20,2	18,3	13	10,1	6,5	4	10,7
2002	1,9	3,8	7,8	12,5	15,6	19,6	19,5	18,9	13	10,8	6,2	-1,7	10,6
Ўртacha ёғин миқдори, мм													
2000	61	25,6	43	10	0	0	0	0	0	14	38,8	22	214,4
2001	46,4	30,3	62,4	2,8	5,2	0	0	0	0	0	27	63,2	237,3
2002	35	71,9	57,3	63,4	69	0	0	0	0	0	12,1	93,7	402,4

7-жадвал

Илмий - тадқиқот олиб борилган йиллардаги тупроқ юза қатламининг ҳарорати  
(Термиз метеостанцияси маълумотлари бўйича)

Йил-лар	О й л а р												Ўртача йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Тупроқ юзасининг ўртача ҳарорати, °C													
2010	5	6	13	26	33	36	37	35	29	18	9	6	21,1
2011	2	6	14	24	33	38	38	35	27	19	12	7	21,3
2012	6	7	14	20	29	36	37	37	29	18	12	2	20,6
Тупроқ юзасининг максимум ҳарорати, °C													
2010	18	20	31	51	60	65	67	64	56	39	22	18	42,6
2011	14	19	32	44	60	69	67	63	56	41	28	17	42,5
2012	17	17	27	36	48	65	68	68	58	47	29	10	40,1
Тупроқ юзасининг минимум ҳарорати, °C													
2010	-1	-1	4	11	16	17	18	17	12	8	2	0	8,6
2011	-5	0	5	12	15	18	19	16	11	8	3	2	8,7
2012	0	2	6	11	14	17	18	17	11	6,8	4	-3	8,7

Сурхондарё вилоятининг айрим регионларида ҳаво ҳарорати ўртacha суткалик  
кўрсаткичнинг 5 ва 10 даражадан ўтиши

Метеороло- гик станциялар	Кунлик ўртacha ҳаво ҳароратининг ўтиш муддати						Ўртacha баҳорги тупроқ қатлами музлаши- нинг сўнгги куни	Ўртacha кузги тупроқ қатлами музлашининг бошланиши	Совук бўлмайди ган кунлар муддати			
	5 даражадан			10 даражадан								
	туши- ши	кўтари- лиши	кун сони	туши- ши	кўта- рилиши	кун сони						
Шеробод	26.XII	8.II	321	24.XI	8.III	261	2.III	24.XI	266			
Бойсун	6.XII	2.II	297	10.XI	27.III	227	22.III	15.XI	237			
Термиз	14.XII	10.II	307	15.XI	10.III	250	12.III	2.XI	234			
Қумқўрғон	13.XI	13.II	304	14.XI	13.III	246	17.III	30.X	226			
Денов	19.XII	17.II	305	14.XI	15.III	244	15.III	29.X	227			

худудларда 2677:3306:3441 даражага, экинчилик учун зарур бўлган мухлат 1 апрелдан тики 1 сентябргача бўлган даврга эса 2597:3210:3295 даражага тенг.

Иқлим шароитидаги маълум фарқлар айниқса, ўртacha йиллик ҳаво ҳарорати ҳамда ижобий ва фойдали ҳаво ҳароратидаги фарқлар вилоятнинг турли қишлоқ хўжалик районларида ўсимликларнинг эрта, ўрта ва кеч пишар навларини тўғри жойлаштириш ва ривожлантиришни тақозо қилган. Шу жиҳатдан Сурхондарё иккига ажralиб туради:

**Вилоятнинг жануби.** Бу ерда нисбатан ҳаво ҳарорати баланд, вегетация муддати кўпга чўзилади. Ҳаво ҳароратидаги ижобий ва фойдали кўрсаткичлар узоқ вегетация даврини талаб қиласиган ингичка толали ғўза навлари учун ўта қулай.

**Вилоятнинг шимоли.** Бу ерда ҳаво ҳароратининг барча кўрсаткичлари унинг жанубига нисбатан паст, фойдали даражага миқдори кам. Қишки ҳаво ҳароратининг ўртacha кўрсаткичлари бир мунча юмшоқ кечадиган вилоятнинг бу қисмида субтропик, цитрус мевали ўсимликларни экиш ҳамда етиштириш имкониятлари катта. Ёғин-сочиннинг миқдори ва жойдан-жойга ўзгариб туриши Марказий Осиё давлатларига хос табиий қонуният бўлиб, фасллараро кескин фарқ қиласиди: кузда у кам тушади, ёз деярли ёмғирсиз ўтади. Термиз метеорологик станциясининг маълумотларига кўра, баҳор фаслида йиллик ёғин - 44,3%, қишида- 45,9%, кузда- 9,0% ва ёзда- 0,8% тушади. Вилоятнинг айrim худудлари бўйлаб йиллик ёғин-сочин миқдори 131 мм дан 625 мм гача фарқланади. Унинг текислик қисмида, жумладан айниқса, жанубида йиллик ёғин-сочин миқдори шимолий худудларга нисбатан 4-5 марта кам тушади. Метеостанцияларнинг кўп йиллик маълумотларига кўра, йиллик ёғин - сочин миқдори Термезда-133 мм, Қумқўрғонда 164 мм, Термизда 228 мм, Деновда 360 мм, Сарижўйда 490, Дашибодда 577 мм га тенг. Ёғин-сочиннинг тақсимланишида вертикал минтақаланиш қонунияти ҳам хукмрон. Худуднинг денгиз сатхидан баландлиги ошган сари ёғин-сочин миқдори ҳам ошиб боради. Масалан,

9-жадвал

Сурхондарё вилоятининг турли географик нуқталарида ўртача ойлик ва йиллик ёғин миқдорининг тақсимланиши

Метеоро-логик станциялар	О й л а р												Йиллик ёғин миқдори, мм	Шу жумладан	
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII		салқин давр (XI-II)	иссик давр (IV-X)
Шеробод	25	26	34	20	13	1	0	0	0	3	11	21	154	117	37
Наушаҳар	21	23	30	18	10	1	0	0	0	2	9	17	131	100	31
Бойсун	56	73	99	67	48	7	1	0	2	6	28	58	445	314	131
Термиз	21	23	30	19	10	1	0	0	0	3	9	17	133	100	33
Арпапоя	21	23	29	22	11	1	0	0	0	3	9	17	136	99	37
Қумқўрғон	26	27	36	21	14	1	0	0	0	4	11	24	164	124	40
Қорлиқ	42	46	60	49	26	2	0	0	0	8	18	34	285	200	85
Термиз	31	34	44	47	25	2	0	0	0	7	13	25	228	147	81
Зарчуб	63	53	91	92	52	12	5	0	2	24	47	54	495	308	187
Сарижўй	56	55	71	100	66	25	2	3	1	8	40	63	490	285	205
Денов	53	50	70	62	35	7	2	0	1	16	24	40	360	237	123
Дашнобод	82	80	139	108	47	3	0	0	0	18	24	76	577	401	176
Шарғун	85	71	123	95	68	20	2	0	2	23	63	73	625	415	210

Наушаҳарда (денгиз сатҳидан баландлиги 300 м атрофида) йиллик ёғин микдори 131 мм, Шерободда (444 м) - 154 мм, Бойсунда (1243 м)-445 мм, тоғли Шарғунда эса 625 мм га тенг (9-жадвал). Вилоятнинг мураккаб орографик хусусиятига кўра, ҳаво ҳарорати ва ёғин-сочин тақсимотидаги вертикал минтақаланиш агросаноат мажмуасининг тармоқ тузилиши, унинг жойлашиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Ёғин-сочин қўпроқ тушадиган тоғ ён бағирларида ва адирликларда лалмикор дехқончилик, яйлов чорвачилиги ва паррандачилик, иқлими нисбатан юмшоқ, ёғин-сочин эса кўп тушадиган тоғли ҳудудларида эса мевачилик (айниқса олма, жийда, ёнгоқ, дўлана, бодом, писта, нок етиштириш) кенг ривожлантирилган.

**Тупроқлари.** Қўйида Сурхондарё вилоятининг тупроқлари бўйича маълумотлар берилган. Воҳанинг тупроғи нейтрал, яъни pH 6,5-7,5 га тенг. Тупроқ Сурхон табиатнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у ўзида жонли ва жонсиз табиий бойликни мужассамлаштирган ҳосиладир. Вилоят ҳудудининг мураккаб орографик хусусиятлари унда тупроқ она жинсининг ҳар хиллигини келтириб чиқарган. Бу ерда чўл зонасига хос тупроқлар тарқалган бўлсада, улар бир бутун яхлит майдонлар ҳосил қилмайди, балки жойнинг рельеф хусусиятлари, сизот сувларининг кимёвий таркиби, чуқурлиги ва бошқа табиий омилларга биноан тупроқ типлари алмасиб туради. Сурхондарёда бўз тупроқ кенг тарқалган. Унинг уч типи учрайди: тақирили бўз тупроқ, типик бўз тупроқ ва тўқ тусли бўз тупроқ.

**Тақирили бўз тупроқ.** Тақир тупроқ билан бўз тупроқнинг ўткинчи зонасида кенг тарқалган. Бу тупроқлар гранулометрик таркибининг оғирлиги, текис юзали рельеф кўринишига эга бўлганлиги билан ажралиб туради. Тақирининг юза қатлами одатда зич бўлади, сув ўтказмайдиган қатлам ҳосил бўлади. Бу нарса эса ўсимликнинг ривожланишига таъсир этади. Шўрланган бу тупроқларда чиринди кам (0,40-1,03% атрофида). Тақирили бўз тупроқ оч тусли бўз тупроқ билан алмашади. Оч тусли бўз тупроқ эса вилоятнинг текислик зонасида кенг тарқалган. Унинг тарқалиш географияси дengiz сатҳидан 300 метр баландликдан тики 500-700 метргача боради.

Чириндининг асосий қисми ҳайдалма қатламда бўлиб, пастга томон кескин камайиб кетади. Типик бўз тупроқ яssi тоғлар ва уларнинг ёнбағирлари, лалмикор ерлар билан суғорма дехқончилик қилинадиган ҳудудларнинг бир қисмида тарқалган. Бу тупроқ денгиз сатҳидан 700 м дан токи 1100-1200 метргача бўлган баландликларда кенг тарқалган. Тупроқнинг ишчи қатлами анча унумдор. Вилоятда бўз тупроқ эгаллаган ерлар 300-340 минг га атрофидадир. Унинг бир қисмида суғорма, қолган қисмида лалмикор дехқончилик қилинади. Тўқ тусли бўз тупроқ умумий қонуниятга қўра, вилоятнинг тоғли ва баланд тоғли зоналарида денгиз сатҳидан 1100-1200 м дан баландликда жойлашган. Уларнинг таркиби оч тусли тупроқларга қараганда 2,5 марта, типик бўз тупроқга нисбатан эса 1,5 марта чириндига камбағал. Тўртламчи даврга оид лесс ва лессимон (созтупроқ) ғовак ётқизик жинсларининг 20-60 м (баъзан бундан ҳам кўп) қалинликдаги қатламларида таркиб топганлиги, аксари жойларда қияликнинг 15-20 даражага бориши, иқлиминг қуруқ ва илиқлиги, ёғин-сочиннинг камлиги ва нотекис тақсимланганлиги маҳаллий шамолларнинг тез-тез юз бериши, ўсимлик қопламининг сийраклиги ва ер юзасининг тез (ўсимлик қовжираб қуриши билан) очилиб қолиши, яъни Марказий Осиёга хос бўлган «яланғоч тоғлик» шароити ва бошқа географик омиллар тупроқ эрозиясининг кенг ривожланишига олиб келган.

Тадқиқот обьекти сифатида *Ferula assafoetida* ўсимлиги олинди. Тажрибаларимиз Сурхондарё вилояти Узун тумани адир шароитида *Ferula assafoetida* ўсимлиги устида олиб борилди. Материалларни тўплаш ишлари 2017-2018 йиллар давомида ўрганилд. *Ferula assafoetida* нинг табиий тарқалиши адабиётлардаги манбалар асосида ўрганилди. Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий иқлим шароити Ўзбекистон об-ҳавони кузатиш маркази, Термиз об-ҳавони кузатиш марказларининг 2017 йилдаги маълумотлари асосида ўрганилди. Ҳудуднинг тупроқ таркиби ва тузилиши А.Н. Рўзиев маълумотлари асосида ёзилди [23]. Узун тумани шароитида *Ferula assafoetida* ўсимлиги устидан олиб борилган фенологик кузатишларда

Г.Э. Щульц методидан [25 ] фойдаланилди. Интродукциявий баҳолаш Б.Е. Тўхтаев [28 ] бўйича ўтказилди. Кўчатларнинг ўсиш маромини ўрганишда ҳар ўн кунда турли вегетация йилидаги ўсимликларда ўрганилди ва экологик омиллар таъсири ҳисобга олинди. Турли вегетация йилидаги *Ferula assafoetida* нинг ўсиши ва ривожланишини аниқлаш мақсадида ҳар 10 -20 кунда ўсимлик баландлиги, новдадаги барг сони, барг ўлчами, ўсимлик тупини ўрта қисмидаги диаметри ўлчаб борилди. Статистик маълумотлар Б.А. Доспехов ва Microsoft Excel, Statistica дастури ҳамда Г.Н. Зайцев [14 ] асосида қайта ишланди.

### **З-БОБ. *FERULA ASSAFOETIDA* L. ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

Ковракнинг жуда ёш новдаларини янчидан, қатиқга қориб хавфли шишлар ва захмга даво қилинади. Елим-смоланинг спиртли тиндирмаси (настойкаси), эмулсия ва ҳандори ҳолида астма, томир тортиши ва асад касалликларида ишлатилади. Илмий медицинада коврак елим-смоласи- “асса фоетида” номи билан кукун, эмулсия ва спиртли тиндирма (настойка) ҳамда оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади ва кўпгина давлатлар фармакопеясига киритилган. Шарқ мамлакатларидан Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Афғонистонда коврак елими ва илдизи кулинарияда зиравор сифатида, косметика саноатида атторлик воситалари ишлаб чиқаришда ишлатилади.

